O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 13 октябрь, № 201 (4100) Жума

Самарқанд вилояти ҳудудидан иккита халқаро автойўл ўтади. Бунга вилоят миқёсидаги йўлларни ҳам қўшиб ҳисобласак, уларнинг жами узунлиги 4128 километрни ташкил этади.

РАВОН ЙЎЛЛАР — ЮРТ КЎРКИ

Йўлларнинг равонлиги ва текислигини таъминлаш мақсадида жорий ва капитал таъмирлаш ишларини бажариш асосан Самарқанд вилояти автойўл йўл қуриш ҳудудий шўъба корхонаси йўлсозлари зиммасига юклатилган.

Яқинда ушбу шўъба корхона жамоаси «Самарқанд-Каттақўрғон-Навоий» катта йўлининг 39 километрини капитал таъмирдан чиқардилар. Шунингдек, улар томонидан яна бешта кўприк қурилди. Каттақўрғон шаҳри ҳудудидан ўтадиган катта трассада эса эни 37 метрлик, узунлиги 4500 метрлик, янги айланма йўл таъмирланиб, ишга туширилиши мўлжалланмоқда.

Келгуси йилда Самарқанд шаҳри ўзининг 2750 йиллик юбилейини нишонлайди. Шу мақсадда шаҳар йўллари янада ободонлаштирилмоқда. Серқатнов ва тирбанд йўллар кенгайтирилаяпти. Йил охиригача эса яна қўшимча учта йўл фойдаланишга топширилади.



СУРАТЛАРДА: Самарқанд вилояти автойўл йўл қуриш ҳудудий шўъба корхонаси йўлсозлари фаолиятидан лавҳалар.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

2006 йилнинг 1 ноябридан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларни ижтимоий мадад қилишни кучайтириш мақсадида:

1. 2006 йилнинг 1 ноябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, стипендиялар ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.

2. 2006 йилнинг 1 ноябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 12420 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 24600 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд – ойига 12420 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 24600 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 14900 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2006 йилнинг 1 ноябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2006 йилнинг 1 ноябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш, шунингдек, жорий йил бошидан хўжалик юритувчи субъектлар зиммасига тушадиган солиқ юки даражасини пасайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 июндаги ПФ-3761-сон Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2006 йил 1 ноябрдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 12 октябрь.

Республика Бош прокуратурасида

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Халқ таълими вазирлигининг Идораларо кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга оид қонунлар ва ҳукумат қарорларининг ижросини ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши нуқтаи назаридан ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

ИДОРАЛАРАРО КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари К.Исмоилов бошқарган йиғилишда мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш мақсадида ҳомийлардан 58 миллиард сўм ва 3,1 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ тушгани қайд этилди. Ушбу маблағ асосан спорт мусобақаларини ўтказиш, спорт анжомлари харид қилиш ва болалар спорти иншоотлари қурилишига сарфланган. Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан болалар спортини ривожлантиришга берилаётган эътибор самарасидир.

Сўнгги икки йил мобайнида 75 болалар спорти иншооти реконструкция қилиниб, 61 та янги иншоот қурилди. 182 мактабда қурилиши режалаштирилган спорт залларининг ҳам аксарияти фойдаланишга топширилди. Тежалган маблағлар ҳисобидан қўшимча равишда 5, ҳомийлар маблағи эвазидан эса 27 болалар спорти иншооти барпо этилди. 2003-2006 йилларда қурилган 373 болалар спорти иншооти салкам 4,3 миллиард сўмлик спорт анжомлари билан жиҳозланди.

(Давоми 2-бетда).

Шукроналик

Ота-боболаримизнинг асрий орзулари ушалган кун — Ватанимиз мустақилликка эришганига 15 йил бўлди. Ушбу қутлуғ санани яқинда кўтаринки кайфият ила нишонладик. Ўтган ўн беш йилнинг тарих олдида қисқа вақт эканлиги ҳақида кўп гапирамиз. Аммо ана шу йиллар мобайнида мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида катта ўзгаришлар, ободончиликлар, энг муҳими, ёшу қарининг онгу тафаккурида эврилишлар рўй берганини бир дам бўлсин унутмаслигимиз лозим.

ТИНЧЛИК — БЕБАҲО НЕЪМАТ

Ойлар ва йиллар ўтгани сайин юртимизнинг ҳар соҳада тараққиёт сари одимлаётганини кўриб, вужудимиз ила ҳис қилиб турибди. Нафақат ўзимиз, балки жаҳон афкор оммаси ҳам қисқа вақтда амалга оширилаётган улкан ўзгаришларнинг шоҳидига айланмоқда.

Яширишнинг кераги йўқ, ҳали муаммолар, ечимини кутаётган масалалар кўп. Муҳими, уларнинг қаршисида ҳеч ким қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Бир тану бир жон бўлиб курашиш туфайли мавжуд муаммолар бартараф этилаётганидан кўз юммаслигимиз керак. Ҳар қандай ташвишнинг ҳамжиҳатликда бартараф этилаётгани эса, энг аввало, одамлар онги ўзгарганидан далолатдир. Бинобарин, турли соҳада хизмат қилаётган суҳбатдошларимиз фикри ҳам бунга яна бир ёрқин мисол бўла олади.

— Болаликдан ҳарбий бўлишга қизиқардим, — дейди Қуролли Кучларимиз сафида шартнома бўйича хизмат қилаётган **оддий аскар Шарофиддин Низомов.** — Очиғи, шу соҳада ўзим туғилиб ўсган туманда ишлашни орзу қилардим. Бахтим бор экан, ҳарбий бўлдим, аммо эндиликда бояги фикримдан қайтдим. Чунки она-Ватанимизнинг ҳар бир гўшаси нафақат мен, балки бошқа сафдошларим учун ҳам мўътабар эканлигини хизмат жараёнида англаб етдим, укдим. Мамлакатимиз дахлсизлигини таъминлаш, ота-онамизнинг ҳузур ҳаловатига путур етказмасликни энг олий бурчим, деб биламан. Ана шу мақсад йўлида бугун ҳарбий жабҳада улкан ислоҳотлар олиб борилаяпти. Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг мудофаа тизимини такомиллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлари замирида юртни ёвуз кучлардан, ёт оқиму турли балоқазолардан асраш-дек муқаддас бурч мужассам.

Ушбу қутлуғ вазифанинг шараф билан адо этилиши йўлида хизмат қилаётганимдан эса ҳамиша мағрурланиб юраман!

— Япон халқида: "Бир йил яхши яшаш учун ўн йил қийналиб меҳнат қилишга тайёрман" деган нақл бор, — дейди **Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси Миржалол Қосимов.** — Бу гапни мен бекорга айтаётганим йўқ. Чунки истиқлол йилларида эришилган муваффақиятларнинг салмоғи катта. Шундан келиб чиқиб, бу йилларда забт этилган чўққилар асрларга татигулик, дегим келади. Барпо этилаётган бир-биридан муҳташам биноларни, кўприкларни кўя туринг, одамлар, айниқса, ёшларимиз тафаккуридаги уйғоқликдан ҳайратланаман. Спортга қаратилган эътибор туфайли етишиб чиқаётган ука-сингилларим билан суҳбатлашиб завқланаман. Ва беихтиёр эртанги кун мана шундай закий авлоднинг қўлида эканлигидан қониқиш ҳосил қиламан.

— Қозони кунига икки марта қайнаса ҳам нолийдиганларни кўрсам, тутақиб кетаман, — дейди **таниқли ижодкор Садриддин Салим Бухорий.** — Бундай ҳолатни туз еб тузлиққа тупуриш, ношукурлик, деб биламан. Энг ёмони, суриштирсангиз, ёзғирадиганларнинг аксарияти тагида машинаси бор, дала ҳовлию данғиллама участкага эга кишилар бўлиб чиқади. Аслида, уларнинг бойишига, участка қуриб, ҳаловатда яшашига истиқлол сабабчи. Бундайлар бошидан дўпписини олиб, ён-атрофга разм солса яхши бўларди. Яратганга шукур, кечалари тинч ухлаймиз. Фарзанду набираларимиз ишга, ўқишга эсон-омон бориб келаяпти. Маҳаллаларимизда биров милтиқ кўтариб юргани йўқ. Юмуш билан бозорга, дўконга кирсак, ҳеч ким бошдан-оёқ текширтекшир қилгани йўқ. Манаман деган мамлакатларда ҳам кунора турли ғавғолар рўй бераётган бир пайтда бизнинг юртимизда бу қадар осойишталик ҳукмрон экан, шукур дейишимиз керак! Масалан, мен болалар ўқиётган пайтда мактаб биносида бомба портлашини ҳеч қачон юрагимга сингдиролмайман! Ҳолбуки, шундай аянчли манзаралар рўй бераётган юртлар бор. Бундай андуҳни мен душманимга ҳам раво кўрмайман.

Аслида озодликни кенгроқ тушуниш керак. Инсон руҳияти, кайфияти тутқунликдан халос экан, у эркин фикрлайди, эртанги кун ташвиши билан яшайди. Қалбида эзгулик, меҳнатида унум бўлади. Баъзилар бор, бир умр бадавлат бўлиб яшайдилар. Аммо уларнинг мол-дунёси кимларнингдир сояси туфайли тўпланган бўлади. Фикран озод, руҳан эркин умргузаронлик қилиш саодатини бугун, мана, истиқлол шарофати ила тотмоқдамиз.

Яна бир гапни айтмасам бўлмайди. Ҳозир кўплар чет элларга бориб, ишлаш, тезда бойишга интилишади. Уларга қараб туриб, бир ҳақиқатни айтгим келади: "Барча имкониятлар, ҳамма эзгуликлар Ўзбекистонимизда. Ватанимизнинг ҳоку хасида ҳам ҳикмат бор!"

Онгу тафаккуримиз озод, ўтаётган кунларимиз тинч-осойишта экан, шунга шукур қилайлик. Зеро, шукроналикда гап кўп!..

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

11-12 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида

Учинчи ўқишда тақдим этилган «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари А. Маматов ахборот берди. Ҳужжат кўриб чиқилганидан кейин киритилган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда Қонун қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).

Навбатдаги сонларда

ҚУЁШ МАКТАБДАН ЧИҚАДИ

Муаллим мавқеи ошаётганлиги ҳақида

ХОРАЗМ ТЎЙГА ШАЙЛАНМОҚДА

ЧЕГАРА БИЛМАС ОФАТ

Битта гап

Вячеслав ПОХВАЛЬСКИЙ,
Украинанинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:

Тўғрисини айтсам, Тошкентга ўзгача қизиқиш билан келдим. Умрим бўйи Волга дарёсидан берига ўтмаганман. Пойтахтингиз ўзининг очиққўнгил, самимий, юзидан табассум аримайдиган одамлари билан мени ўзига мафтун этди. Ёшлар жуда кўп экан. Мен Тошкентни «Талаба ва ўқувчилар маскани» деб атаган бўлар эдим. Кўчалардаги тозалик ва озодалик ҳам кўзни қувонтиради. Бунга бир кунда эришиб бўлмайди, демакки, тозалик, озодалик, саранжом-саришталик халқингизнинг қон-қонида бор.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси М. Юлдашев учинчи ўқишда тақдим этди. Қонун лойиҳаси бўйича барча партиялар фракцияларининг вакиллари ўз фикрларини баён этдилар. Киритилган таклифлар депутатлар томонидан муҳокама қилинганидан кейин Қонунчилик палатаси мазкур Қонунни қабул қилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Т. Абдуллаева «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 241[1]-моддасига ва Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 44-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда тақдим этди. Ҳужжат моддама-модда кўриб чиқилиши чоғида депутатлар уни такомиллаштириш юзасидан фикрлар баён қилдилар. Киритилган таклифлар ҳисобга олинган ҳолда қонун лойиҳасини маромига етказиш учун қайтариш ҳақида қарор қабул қилинди.

«Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомга, Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси А. Тўхташев иккинчи ўқишда тақдим этди. Бўлиб ўтган моддама-модда муҳокамадан кейин депутатлар киритилган ўзгартишларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳани иккинчи ўқишда қабул қилдилар.

Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раисининг ўринбосари И. Толибов биринчи ўқишда муҳокамага қўйилган «Ҳомийлик фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Бўлиб ўтган муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқиб, ҳужжатнинг асосий қоидалари юзасидан ўз фикрларини баён қилдилар. Киритилган таклифлар ҳисобга олинган ҳолда лойиҳа биринчи ўқишда қабул қилинди.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Ш. Тешаев ахборот берди. Савол-жавоблардан кейин депутатлар қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси Б. Нурмедов «Умумжаҳон почта иттифоқи Уставига тааллуқли Еттинчи қўшимча баённомани (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Барча сиёсий партиялар фракциялари вакилларининг тақдим этилган ҳужжат тўғрисидаги фикрлари эшитилди. Савол-жавоблар ва ҳужжатнинг ҳар томонлама муҳокамасидан кейин Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

2002 йил Ваколатли конференция томонидан қабул қилинган Халқаро электр алоқаси иттифоқининг Уставига ва Конвенциясига доир Тузатиш ҳужжатларига Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисидаги қонунлар лойиҳалари ҳақида Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси М. Бурхонова ахборот берди. Савол-жавоблар ва ҳужжатлар муҳокамасидан кейин депутатлар кўрсатилган қонунларни қабул қилдилар.

ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмасининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Фермерлар муаммосига бағишланди

Унда Юртбошимизнинг яқинда Фарғона вилоятида фермерлар билан ўтказган учрашувида кўтарилган бир қатор долзарб масалалар, шунингдек, Президентимизнинг «Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижроси бўйича уюшма томонидан амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Йиғилишда партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М. Тешабоев ҳамда уюшма Марказий Кенгаши раиси С. Қобиловларнинг икки муассаса томонидан ҳамкорликда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот маърузалари тингланди. Эслатиб ўтиш жоизки, ЎзЛиДеП ва ЎзФХЎ ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Бош битим имзоланган. Фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш учун зарурий шарт-шароитлар яратиш ва улар олдида турган турли муаммоларни бартараф этишда яқиндан кўмаклашиш икки ташкилот ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий стратегик мезони ҳисобланади.

Тадбир сўнгида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Ю. БЎРОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Янги қонунлар

Юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда уй-жой-коммунал хўжалиги фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва бу соҳадаги ислоҳотларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш, уй-жой фондидан фойдаланиш ва коммунал хизмат соҳасига замонавий бозор механизмларини жорий этиш бўйича қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани яратиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари:

ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОР ВА МАСЪУЛИЯТ

Шундай бўлса-да, уй-жой мулкдорлари ширкатларини ташкил қилиш жараёни ва уларнинг фаолияти юзаки олиб борилаётганлиги, кўп хонали уй-жой фондидан фойдаланиш ва уларни сақлаш ниҳоятда қониқарсиз аҳволдалиги, кўрсатилган коммунал хизматлар учун истеъмолчиларнинг тўлов интизоми ҳамон паст даражадалиги уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасида қўшимча чора-тадбирлар кўришни тақозо қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 февралдаги "Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг жойлардаги ҳокимият органлари ва хизмат кўрсатувчи, фойдаланиш ва таъмирлаш ташкилотлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, коммунал хизматлар соҳасида тўлақонли бозор инфратузилмасини яратиш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаб берди.

Айни пайтда кўп квартирали уйларда ва уй-жой фондини биргаликда бошқариш ҳамда уни сақлаш, асраш ва таъмирлашни таъминлаш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни қонуний тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг "Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат муқаддам амалда бўлган "Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида"ги Қонундан, аввало, ўзининг мақсади, хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатларини ташкил этиш тартиби, ширкат ва ширкат аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уни бошқаришга доир юзага келган муаммолар қонуний ечимини топганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Янги таҳрирдаги Қонун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунига нисбатан қўйилган талабларга тўлиқ жавоб берган ҳолда, фойдаланиш учун қулайлик яратиш мақсадида мазмун жиҳатдан яқин бўлган моддалари бобларга бирлаштирилди.

Қонуннинг "Умумий қоидалар" деб номланган биринчи бобида аввали Қонундан фарқли равишда кўп квартирали уйларда уй-жой фондини биргаликда бошқариш ҳамда уни сақлаш, асраш ва таъмирлашни таъминлаш учун ихтиёрий бирлашма сифатида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш белгилаб қўйилди.

Мазкур қоидада ширкатлар ихтиёрий бирлашма эканлиги ва унга ихтиёрийлик асосида аъзо бўлиш ифода этилди.

Янги таҳрирдаги Қонунда ширкатни ташкил этиш, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир мазмун жиҳатдан яқин бўлган моддалар ўз ифодасини топган. Айтиш жоизки, ширкатни ташкил этиш борасида янги таҳрирдаги Қонун аввалгисидан жиддий фарқланади. Аввало, янги таҳрирдаги Қонунда ширкатни ташкил этиш тартиби аниқлаштирилди ва ширкатни ташкил этиш тўғрисидаги қарор нафақат кўп квартирали битта ёки яқин, зич жойлашган бир нечта уйдаги жойлар мулкдорларининг, шунингдек, кўп квартирали ҳар бир уйдаги барча жой мулкдорлари ёки улар вакилларининг эллик фоизидан кўпи ҳозир бўлган умумий йиғилишда қабул қилиниши ўз ифодасини топди.

Янги таҳрирдаги Қонунда мулкдорларнинг умумий йиғилиши турар жой мулкдорларининг эмас, балки исталган жой мулкдорларининг ташаббуси билан чақирилиши мумкинлиги ҳақидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилди ва шу орқали унда демократик принциплар ўзининг аниқ ифодасини топди.

Мазкур Қонунда ширкатларга бир қатор кенг ҳуқуқлар берилган. Хусусан, умумий мол-мулкни, ширкатнинг ер участкасини ва мол-мулкини сақлаш усули, ширкат аъзоларининг мажбурий бадаллари миқдорларини ҳамда умумий мол-мулкдан, ширкатнинг ер участкасидан ва мол-мулкидан фойдаланиш қоидаларини уставда назарда тутилган тартибда белгилаш, ўз мол-мулкини, жумладан, айланма маблағларини қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил тасарруф этиш, ер участкасида шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ, хўжалик бинолари ҳамда иморатлар қуриш ва бошқа қатор ҳуқуқлар кўзда тутилган.

Янги Қонунда ширкат аъзолари масъулияти оширилганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Хусусан, аввалги Қонундан фарқли равишда ширкат ўз фаолияти давомида:

— ҳар йили умумий мол-мулкни сақлаш ишлари режасини, жумладан, кўп квартирали ҳар бир уй учун шундай режани белгилаши ва унинг ижросига доир ҳисобот тузиши;

— ҳар йили ширкатнинг даромадлар ва харажатлар сметаси ҳамда унинг ижросига доир ҳисобот тузиши, жумладан, кўп квартирали ҳар бир уй бўйича шундай смета ва ҳисобот тузиши шартлиги белгилаб қўйилди.

Янги таҳрирдаги "Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 15-моддасига кўра, эндиликда ширкат умумий мол-мулкни ва ширкатнинг мол-мулкини бошқариш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлаш, шунингдек, коммунал ва бошқа хизматлар кўрсатиш учун юридик ҳамда жисмоний шахслар билан танлов асосида шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлди. Хизмат кўрсатишга қаратилган шартномаларнинг танлов асосида тузилиши, ширкатларнинг ўз устав мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлиши бу соҳадаги монополияни тугатиш, таъмирлаш ва коммунал хизматларнинг ҳақиқий бозорини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, "Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири ушбу ширкатларнинг фаолиятини кучайтириш ва улар фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ муносабатларни қонуний тартибга солишни янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Уй-жой-коммунал хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш эса, ўз навбатида, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишда муҳим омил бўлади.

М.МАМАСИДДИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳи раҳбари, юридик фанлари номзоди, доцент.

ИДОРАЛАРАРО КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Йиғилишда 2003 йилда қурилган спорт иншоотларининг 71 фоизи, 2004 йилда — 78, ўтган йили эса 83 фоизи қишлоқларда барпо этилгани таъкидланди. Чекка қишлоқлардаги болалар спорти муассасаларига ўтган йили жамғарма томонидан қарийб 136 миллион сўмлик спорт анжомлари ажратилди.

Нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритаётган ўғил-қизларимиз сони тобора ошиб бормоқда.

Шу билан бирга, йиғилишда муҳокама қилинган масала бўйича жойларда муайян камчиликларга йўл қўйилаётгани ҳам қайд этилди. Жумладан, қурилаётган болалар спорти иншоотларининг ҳаммасида ҳам бажарилаётган иш ҳажми талаб даражасида назорат қилинмаяпти, болалар спорти муассасаларида спорт жиҳозларини ўрнатиш ва фойдаланиш самарадорлиги мунтазам мониторинг қилиб борилмаяпти.

Замонавий спорт иншоотларини барпо этиш ва спорт жиҳозларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун мураббийларнинг малакасини мунтазам юксалтириб боришни йўлга қўйиш зарурлиги уқтирилди. Йиғилишда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Беҳзод НОРБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Сурхон томонларда

— Анави байроқни кўряпсизми? — сўрайди бола.
— Йўқ. Қани, ўғлим? — дея ота олдинга қарайди.
— Ана-ана, йўлдан ҳам, уйлардан ҳам нарида.
Ота ҳарчанд тикилмасин, боласи айтган байроқни кўролмади. Кўролмас ҳам эди. Чунки бола отадан баландроқ-да, яъни унинг елкасида ўтирган эди.

Елкадаги бола



— Оталар ҳамиша шундай. Фарзандларини елкаларида, бошларида кўтариб юрадилар, — дейди Денов тумани ҳокимлиги вакили Тоштемир Турдиев. — Айниқса, ўзбекларнинг елкалари кенг, бошлари тошдан бўлади. Ахир ўн-ўн бешталаб болани кўтариш осонми? Уларнинг орасида қобилу ноқобил, тантию тантиқлари қанча?.. Лекин биз барибир кўтараверамиз, кўтараверамиз!

Сафаримиз чоғида мазкур туманнинг давлатга пахта сотиш режаси 98 фоизга яқинроқ эди. Биз туман пахтакорларининг ғалабасини Тошкентга келиб эшитдик. Туман ҳокими Абдусамат ака Ҳожиқулов бизни далаларни айланишга таклиф этганида, тўғриси, хаёлимиздан «Эрта-индин режани бажарадиган пахтакорларнинг даласида қуруқ ғўзапоядан бошқа ниманиям кўрардик» деган фикр ўтди. Озроқ вақтимиз борлиги боис беихтиёр машинага ўтирдик.

Йўл-йўлакай ҳоким бува зироатчилик ҳамда унинг табиий ва сунъий машаққатлари хусусида гапириб кетди.

— Деҳқон табиий машаққатларга ўрганиб кетган ва у ҳар қандай шароитда ўз ишини билиб қилади. Ғўзани қачон суғориш, қачон яғана қилиш ёки чилпиш, қай маҳалда дефолиациялаш лозимлигини яхши билади. Тўғри, йил йилга, фасл фаслга ва ой ойга ўхшамаслиги мумкин. Ҳатто шамол эсишининг маромиям ўзгарса ҳам ғўза деган жонивор дарров билдиради. Бундай пайтда кечаги қўллаган тадбир бугунгисига тўғри келмайди. Тажриба, омилкорлик дегани ана шундай пайтларда билинади. Худога шукурки, орамизда бундай оқил инсонларимиз анчагина. Аммо...

Ҳамсуҳбатимиз шу аснода бироз сукут сақлади. Ҳайдовчига тўхташ ҳақида ишорат қилди.

— Мана бу даладаги ғўзалар ғаллани йиғиштириб олганимиздан кейинги такрорий экинимиз, — дейди ҳоким оппоқ бўлиб ётган далани кўрсатиб. — Қаранг, ғўзалар қандай дуркун, чаноқлар қандай бўлиқ, иккинчи теримдан кейин ҳам кўсаклар шиғил. Бу — режани аллақачон бажарган «Мустақиллик» фермер хўжаликлари уюшмасининг даласи. Аммо ушбу кунларга етиб келиш осон бўлмади. Деҳқон меҳнатдан чарчамайди, билиб-билмай айтилган гапдан толиқади, телба-тескари кўрсатмадан ҳорийди, ўзидан бекорга ранжиган одамнинг феъл-атворидан озорланади.

Биз тушундикки, ҳоким бува тўрачилик ҳақида гапирмоқда. Тўғри-да, баъзида ёппасига кўрсатма келади: дефолиация қилинсин! Деҳқон биладики, даласи ҳали бу тадбирга тайёр эмас. Ёки унинг даласини айланган айрим раҳбарлар «Ғўза чанқабди, ҳозироқ суғоринг», дейди. Ваҳоланки, ғўзани ҳозир суғориб бўлмайди, кеч тушиши керак, йўқса, бутун меҳнати зое кетади. Хуллас, деҳқон билан «каттакон»нинг ўртасида АНГЛАШИЛМОВЧИЛИК пайдо бўлади. Қошлар чимирилиб, машина эшиклари қарсиллаб ёпилади, кузакда, албатта, жўжа санашга келишини писанда қилиб, жўнаб кетишади...

Биз қисқа муддатда «Авангард», «Чорбоғ», «Ҳайдармерган» каби фермер хўжаликлари майдонларини айландик, деҳқонлар билан суҳбатда бўлдик. «Эшмаматов Баҳодирполвон» фермер хўжалиги раҳбари Зулхумор Шукурованинг 8 гектар пахта ва 5 гектар ғалла майдони бор. Ғиж-ғиж тошлоқ майдонда ғалла ҳосилдорлигини 60 центнерга етказди. 27 тонна пахта топшириш ва режани уддалаш арафасида экан.

— Турмуш ўртоғимнинг ҳам, менинг ҳам касбимиз ҳисобчи, узоқ йиллар хўжаликда ишладиг-у, ҳисобимизни топмадик, — дейди Зулхумор Шукурова. — Ишлардиг-у, ойлигимизни ололмасдик. Икки қоп буғдой олиш учун раис бобога ялинавериб кунимиз ўтарди. Мана энди, ўзимиз одамларга тонналаб буғдой тарқатяпмиз. Дадаси, ўғлимиз Баҳодиржон, қизимиз Дилшодахон, жамоамиз аъзолари билан чинакамига меҳнат қилаяпмиз. Ҳарқалай, эндиликда нонимизни ҳам, қадримизни ҳам ва умуман, ҳисобимизни ҳам шу ердан, тошлоқ бўлса-да, шу заминдан топиб олдик.

Оталар фарзандларини бошларига кўтариб юрадилар. Болалар эса... Ҳа, болалар уларга осмондаги юлдузни олиб берадилар. Агар тумандаги мавжуд 449 та фермер хўжалигининг меҳнаткаш фарзандлари, оқил ўғил-қизлари ўзлари билан бақамти ишламаганларида оталар бугунги кунда юлдузли онларини қучмаган бўлардилар. 41 минг тонналик юксак хирмон уюлмас, ҳосилдорлик 30 центнердан ошиб кетмас эди. Агар оталар ўз фарзандларига ишонмасалар, элу юрт олдида яна 7 минг тонна пахта йиғиб бериш ҳақида оғиз тўлдириб сўзламаган бўлардилар.

Шуларни ўйласам, Олтинсой туманилик Жавлон аканинг гаплари ёдимга тушаверади. Жавлон ака Ҳайитов — «Жовлибой Жавлонов» фермер хўжалигининг раҳбари. 11 гектар ери бор, шунингдек, у «Шаркқамиш узумлари» агрофирмасининг икки гектарлик тажриба участкасини ҳам бошқаради. Унинг боғида нималар йўқ, дейсиз! Участкада асосан субтропик ўсимликлар етиштирилади ва кўчат қилиб сотилади. Олма, олча, арча (унинг 10 хили бор), стевия (уни шакаркамиш ҳам деб атайдилар), анжир, сарв дарахти, Корея атиргули, мурч дарахти каби юзлаб кўчатлар ўз харидорини кутиб ётибди. Жавлон аканинг айтишича, яқинда бу ерга Дилором Ёрматова деган олима келган.

— Опа участкада биринчи бора ўсган ва мева берган зайтун дарахтининг ёнида икки соатча қолиб кетди, — дейди фермер. — Ҳатто мен унинг кўзларида ёш кўрдим. У гўё зайтун дарахти билан гаплашаётгандек эди. Кейин менга зайтунни Ўзбекистонда кўпайтириш режалари, унинг шифобахш хосиятлари хусусида узоқ гапириб берди.

— Шунча меҳнат бир ўзингизга оғирлик қилмайдими? — сўраймиз ундан.

— Нега бир ўзим бўлар эканман? — дейди Жавлон ака ҳайратлангандай бўлиб. — 12 нафар фарзандим бор. Шуларнинг бешови ўғил. Ҳозир ҳаммаси қўлтиғимга кирган, ҳатто неваралар ҳам дастёр бўлиб қолган. Фарзанд ҳам бир кўчатдай гап экан, эътибор берсанг, ҳосил оласан, бильакс... Эҳ-ҳе, буларни катта қилгунча...

Жавлон ака бироз ўйга толди ва кейин оҳиста гапира кетди:

— Ўтган асрнинг 90-йиллари бошлари эди. Иккита ўғлим Тожикистонда махсус интернатда ўқирди. Қўшни юртдаги алғов-далғовларни эшитиб, божамни болаларни олиб келишга жўнатдим. Бир кун кутдик, икки кун кутдик — келишмади. Хавотирга тушдик. Бир ҳафтадан кейин қайнсинглим «Эримни топиб бер», деган даъво билан келди. Ўн кундан сўнг божамнинг ўзи келиб қолди, Тожикистондаги нотинчликни эшитиб, чегарадан ўтмаптиям, хумпар. Бировнинг бармоғи кесилса жони оғирмиди? Жаҳл устида ўзим отландим. Фарзанд учун одам ҳеч нарсадан қайтмас экан. Автобусда кетяпмиз денг, ҳамма ёғини жун босган маймунсифат бир одам қўлида автомат, бели тўла патрон, граната билан кириб келди. Автомат билан автобуснинг томини илма-тешик қилиб ташлади. Йўл-йўлакай «маймун»лардан яна бири автобусга чиқди. Шаҳарга яқинлашгач, ҳаммамизга дағдаға қилиб автобусдан тушиб кетишди. Шаҳарда ҳам шундайларга бир-икки бор йўлиқдик. Энди фарзандларга бориш тугул омон қолишнинг ўзи ҳақида ўйлаш жуда-жуда оғир эди. Бундай пайтда ҳамма эшиклар беркитилган, бир жойдан бошпана топиш қийин, одамлар бир-бирига мутлақо ишонмай қўйган эдилар. Худо мени ўз паноҳида асради. Фарзандларим олдига эсон-омон етиб олдим ва уларни зудлик билан уйга олиб келдим. Чегарадан ўтар эканман, кўнглимдан хавотирлик, вужудимдан титроқ кетмайди. Гўё улар ҳозир ортимдан етиб келадигандек... Мен тинчликнинг, тинч меҳнатнинг қадрини ўшанда билганман. Бировнинг бурнини қонатмасдан бизни шундай дориломон кунларга етказган Президентимизга раҳмат.

Елкадаги одам дарров кўзга ташланади. Аслида елкага олишнинг боиси ҳам, мақсади ҳам уни элга кўрсатишдир. Жавлон ака ҳам болаларини еру кўкка ишонмайди. Уларнинг баракали меҳнатини, муваффақиятларини тилидан бол томиб ҳикоя қилади. Болалари ҳақида бегона одам яхши гап айтса, семиради!

Елкадаги одам — **фарзандлар**, уларга яғринини шоҳсупа қилиб, кўзга гоҳ ташланиб, гоҳ ташланмай турганлар — **оталар** омон бўлишсин. Оталар ва фарзандлар бор экан, уларнинг бир-бирларини ОНГЛАШУВИ давом этар экан, бу кўҳна замин гуллаб-яшнайверади, инсонлардан ўз болу шарбатини аямайди.

Сафаримиз қариб, Сурхон воҳасидан қайтар чоғимизда ҳокимиятга Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саидовдан телеграмма келиб қолди. Унда деновликларнинг ўзига кўрсатган эҳтиромлари учун миннатдорчилик билдирилган эди.

— Биз бор-йўғи бир ширин сўзимизни айтган эдик, — дейди Абдусамад ака. — Шу юрт фарзанди юксак унвонга сазовар бўлганидан бошимиз кўкка етган эди. Шоирнинг эҳтироми бизникиданда ошиб тушди.

Шу пайт яна улкан яғринига ёвқур фарзандини эҳтиётлаб кўтариб олган ота кўз олдимда гавдаланди.

Эсиргап БОЛИЕВ.
Тошкент — Термиз — Тошкент.

Меҳнат қилган элда азиз

Инсон қайси соҳада меҳнат қилишидан қатъи назар, жонкуяр, ҳалол, фидойи бўлсагина эл назарига тушади. Рашиджон Юсупов ҳам шу ҳислатлари туфайли эл аро обрў топган қўли гул усталардан.

Бир неча йилдирки, у ўзбек миллий чолғу асбобларини ясаш ва таъмирлаш балан шуғулланиб келади.

Унинг Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани марказлашган маданият уйи қошида жойлашган устахонаси доимо одамлар билан гавжум. Сабаби, Рашиджон ака ясаётган эсдалик совғалари ва мусиқа асбоблар мустаҳкамлиги ва сифатлилиги билан, манзур бўлмоқда. Шунинг учун ҳам бу маҳсулотларнинг бозори чаққон. Р. Юсуповнинг меҳнат маҳсуллари чет мамлакатлардан келган меҳмонларни ҳам лол қолдираётир. Улар устанинг маҳсулотларини жон-жон деб харид қилишаяпти.

СУРАТДА: Р. Юсупов ўз маҳсулотининг сифатини кўздан кечирмоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ
олган сурат.

Металнинг умри узаяди

Кимё фанлари доктори, профессор Мақсуд Жуманиёзов ўзининг кўп йиллик илмий изланишлари натижасида занглашга қарши восита кашф этди. Унинг «коррозия»га қарши «Премод» қоплама-си ихтироси давлат реестридан ўтказилди. Ихтиронинг муҳим жиҳати шундаки, бу суюқ аралашманинг асоси маҳаллий саноат чиқиндиларидан иборат. Аралашма ишлатилганда турли металл конструкцияларини, қувурларни занглашдан яхши сақлайди, ҳар қандай металл буюмнинг сатҳидаги зангни бартараф этиш хусусиятига эга. У инсон соғлиғи учун безарар ҳисобланади.

«Премод» синовлардан муваффақиятли ўтди ва кенг ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бизнинг мураккаб тупроқ-иқлим шароитимизда бу қоплама бебаҳо аҳамиятга эга. Энди металдан ясалган барча буюмлар, эҳтиёт қисмлар, газ қувурлари ва бошқаларнинг умри узаядиган бўлди. Ушбу занглашдан ҳимояловчи қоплама хориж-ликларни ҳам қизиқтириб қўйди. Уни сотиб олиш бўйича аллақачон хориждан минг тоннага буюртма ҳам тушди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳукумат истеъфога чиқарилди

«Рейтер» ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, Чехия Президенти Вацлав Клаус мамлакат Бош вазири Мирек Тополанекани истеъфога чиқарган. Давлат раҳбари айни пайтда янги ҳукуматни шакллантириш мақсадида парламентдаги барча фракциялар билан музокаралар ўтказмоқда. Мамлакат парламенти томонидан билдирилган ишончсизлик М. Тополанека ва у бошчилик қилган ҳукуматнинг истеъфога чиқишига сабаб бўлган.

Вацлав Клаус янги ҳукумат раҳбарлигига номзод номини октябрь ойи охирида маҳаллий кенгашлар ва Сенат учун бўлиб ўтадиган сайловлардан сўнг маълум қилишини билдирди.

Самолёт бинога урилиб кетди

Нью-Йорк марказидаги кўп қаватли бинолардан бирига унча катта бўлмаган йўловчи самолёти урилиб кетди. Натижада самолёт бортида бўлган икки киши — таниқли бейсболчи Кори Лайдл ва унинг йўриқчиси ҳалок бўлди.

Самолёт урилгандан сўнг бинода кучли ёнғин бошланган. Ўт ўчирувчиларнинг тезкор ҳаракатлари туфайли қурбонлар бўлишининг олди олинди.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Пхеньянга нисбатан жазо чоралари

АҚШ БМТнинг Хавфсизлик Кенгашига аъзо давлатлар вакилларига Пхеньянга нисбатан қўлланилиши кутилаётган санкция резолюцияси лойиҳасини тақдим этди. Ҳужжатда Шимолий Кореяга четга маҳсулот сотишни тақиқлаш, денгиз бўйидаги мамлакатлар портларига мазкур давлат кемалари киришини чеклаш ва самолётлар қатновини тўхтатиш каби жазо чораларини қўллаш назарда тутилади.

Бундан ташқари, Шимолий Кореяга турли замонавий қурол-аслаҳалар, оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқариш учун зарур бўладиган материалларни сотмаслик ҳам резолюция лойиҳасига киритилган. АҚШнинг БМТдаги доимий вакили Жон Болтон шу ҳафта охирига қадар мазкур резолюция қабул қилинишига умид билдирди.

Жосусликда айбланмоқда



Нигерияда бир неча хоржлик фуқаро ва маҳаллий аҳоли вакиллари жосусликда айбланиб, қамоққа олинди. Мамлакат Федерал Олий суди вакили Ирландия, Исроил, Руминия ва Нигерия мудофаа вазирликларининг ходимлари махфий маълумотларни тўплаганликда гумон қилинаётганини билдирди. Уларга нисбатан 12 банддан иборат айблов эълон қилинди.

Мамлакат прокуратураси маълумотларига қараганда, айбланаётганлар Россиянинг Нигериядаги элчихонаси ҳарбий атташесига мамлакатда қўриқланаётган бир қанча ҳарбий объектлар ҳақидаги маълумотларни берган.

Россия Ташқи ишлар вазирлиги вакили бу хабарни рад этди. Унинг таъкидлашича, Нигериядаги қамоққа олишларга Россиянинг ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Хитойлик миллиардер аёл

Хитойда биринчи бор аёл киши миллиардерлар рўйхатидан ўрин олди. Чжань Инь узоқ йиллардан буён макулатурани қайта ишлаш билан шуғулланиб келади. Расмий маълумотларга қараганда, унинг банкдаги ҳисоб рақамида 3,5 миллиард долларга яқин маблағ бор. Чжань Инь ўзининг «Dragons Paper» компаниясини Гонгкон биржасида рўйхатдан ўтказгандан сўнг ишлари юришиб кетди.

Расмий маълумотларга қараганда, сўнгги бир неча йил давомида Хитойда миллиардерлар сони икки баробар кўпайган.

Болаларни асранг

Бугунги кунда болалар устидан зўровонлик қилиш кенг тарқалиб бормоқда. БМТ ходимларининг тўрт йиллик тадқиқотларидан сўнг шундай хулосага келинди. Статистик маълумотларга қараганда, 6 миллионга яқин болалар фоҳишабозликка ва порносаноатга хизмат қилишга мажбур қилинган. Маъруза муаллифларининг таъкидлашича, бир миллиардга яқин бола мактабларидаги жисмоний тазйиқлардан қонун йўли билан ҳимояланмаган.

«Халқаро амнистия» ташкилотининг тарқатган маълумотларига қараганда, Конго Демократик Республикасида 11 минг нафар бола ҳарбий гуруҳлар сафларида юрибди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«VETDORI» ВЕТЕРИНАРЛАР ҲАМКОРИ

Бир пайтлар чорвачилик хўжаликлари уй ҳайвонлари ва паррандаларнинг касалликларга чалинишининг олдини олиш, уларни даволаш учун ветеринария препаратларини тақсимот тизими бўйича олишарди. Ҳар бир ветврачга керакли дорилар мажмуи уларнинг қўлланишига доир йўриқномалар билан бирга бериларди. Ҳозирги кунда эса уй ҳайвонлари ва паррандаларнинг соғлом ривожланиши уларнинг эгалари ва мутахассислар зиммасида. Айни пайтда ўнлаб фирмалар, жумладан, хорижий фирмалар ҳам ўзларининг қиммат маҳсулотларини энг самарадор дори сифатида тавсия қилишмоқда. Бундай вазиятда ветврач қандай иш юритиши лозим? Хўжаликни беҳуда харажатлардан қандай асраш мумкин? Ушбу масалаларни ҳал қилиш мақсадида бундан 12 йил олдин «Vetdori» МЧЖ ташкил этилганди.

Масъулияти чекланган жамият сифатида вужудга келган «Vetdori» фирмаси ўтган давр мобайнида мамлакат фармацевтика бозорида мустаҳкам ўрин эгаллашга эришди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги ветеринария бош давлат бошқармасининг бевосита раҳбарлиги ҳамда «Vetdori» МЧЖ мутахассисларининг фаоллиги туфайли ветеринар мутахассислар барча зарурий препаратлар билан ўз вақтида таъминланмоқда. Бу билан уй ҳайвонлари ва паррандаларининг ўткир юқумли касалликларга чалинишининг олди олинмоқда. Чунки, касалликларнинг тарқалиши катта иқтисодий зарар келтириши ва инсон саломатлиги учун ҳам хавф-хатар туғдириши мумкин.

Ҳозирги пайтда корхона жамоаси турли хавфли юқумли касалликларга қарши республикамизда ишлаб чиқилмайдиган замонавий дори препаратларини келтириш билан бирга, янги биопрепаратларни, тиббий дори-дармонларни, жониворлар касалликларининг ташхиси, терапияси ва профилактикаси воситаларини муваффақиятли равишда амалиётга татбиқ этмоқда. Шунингдек, «Vetdori» МЧЖ ўз мижозларига ветеринария, табиат экологияси, жумладан, диагностика воситалари ва тизимлари соҳаларида ахборот-маслаҳат хизматларини ҳам кўрсатмоқда.



«Vetdori» республикамиздаги ветеринария дори препаратларининг асосий таъминотчиларидан бўлиши билан бирга, Россия Қишлоқ хўжалик фанлари академияси, «Росагробиопром» ОАЖ, «Fort Dodge» (АҚШ), «SIVA» (Испания), «Bayer» (Германия) компаниялари, дунёнинг турли мамлакатларидаги илмий-тадқиқот институтлари, шунингдек, биринчи заруриятда ветеринария препаратлари ишлаб чиқарувчи бошқа кўплаб муассасалар, корхоналар билан ҳам яқин ҳамкорлик қилмоқда. Хорижий ҳамкорлар «Vetdori» МЧЖ мутахассисларини ўз соҳасининг профессионаллари, деб билишади.

Хорижлик ишлаб чиқарувчилар билан яқиндан алоқа ўрнатилиши фармацевтика бозорига сифатсиз ва яроқлилик муддати ўтиб кетган маҳсулотлар кириб келишининг олдини олмоқда, ветеринария препаратларининг ўз вақтида етказилишига шарт-шароит яратмоқда.

«Vetdori» фирмаси мутахассислари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантирилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини ижро этишда йиғилган тажрибадан унумли фойдаланишмоқда.

— Жониворлар сонини янада кўпайтириш бўйича тасдиқланган Дастур ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи зооветеринария пунктлари тармоғини кенгайтириш ветеринария хизматини, фермерларни, хусусий уй ҳайвонлари эгаларини зарур вакциналар ва препаратлар билан ўз вақтида таъминлаш борасидаги фаолиятимизни янада кенгайтиришга ундамоқда, — дейди «Vetdori» фирмаси бош директори Александр Леонтьев.

— Ҳозирги кунда биз мижозларга паррандалар, қўйлар, моллар ва чўчқаларнинг турли касалликларига қарши 20 хилдан зиёд вакциналарни таклиф қилмоқдамиз. Шунингдек, бизда 60 хилга яқин юқори сифатли, хорижда ишлаб чиқарилган иньекциялар, таблеткалар, аэрозоллар ва малҳамлар тарзидаги ветеринария препаратлари бор. Уларнинг орасида кенг юқори таъсир кучига эга антигельминтиклар ва антибиотиклар ҳам мавжуд.

Республикамизнинг чорвачиликка ихтисослашган хўжаликлари ва фермерларида «Цидентин Югард-Вакцина 681» янги препарати алоҳида қизиқиш уйғотиши мумкин. Зеро, бу дорида ҳам паразитларга қарши препарат, ҳам 6 хил вакцина мужассам. Битта укол билан 11 та паразит ва 6 та юқумли касаллик профилактикаси амалга оширилади. Ушбу препаратнинг қўлланиши ҳар бир касалликка қарши алоҳида препаратни ишлатишдан кўра иқтисодий жиҳатдан 2 баробар фойдалидир. Бошқа турдаги жониворлар учун ҳам айнан шундай вакциналар бор.

«Vetdori» МЧЖ Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан товарларни 15 фоизли имтиёзли чегирма билан сотди.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, «Vetdori» МЧЖ таклиф этаётган препаратларнинг барчаси Марказий Осиё иқлими шароитларида синаб кўрилган ва жониворларга ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмайди. 2006 йил 15-17 март кунлари Тошкентда ўтказилган «Қишлоқ хўжалиги» ўзбек халқаро кўргазмасида «Vetdori» МЧЖ «Ветеринария препаратлари ва асбоб-ускуналарининг энг яхши инновацияси учун» дипломига ҳамда тегишли сертификатга сазовор бўлди.

Фирма ютуқларга эришиш билан бирга, иш фаолиятида айрим муаммоларга ҳам дуч келмоқда. Масалан, банк муассасаларининг валютани ўз вақтида конвертация қилмаслиги кўпинча жиддий муаммо туғдирмоқда. Корхона маъмурияти мазкур масала бўйича Марказий банк бошқарувига мурожаат қилган эди. Марказий банк бу муаммони ҳал этишда жамоага ёрдам бериб, қўллаб-қувватлади. Умид қиламизки, бошқа молия муассасалари билан ҳам ўзаро келишувга эришилади. Чунки жониворлар ҳам инсонлар сингари ўз вақтида даволанишга, профилактикага муҳтож.

Таниқли олим И.П.Павлов айтганидек, «Тиббиёт шифокори инсонни, ветеринария шифокори эса инсониятни даволайди». Ушбу сўзлар ветеринария мутахассисларини доимо изланишга ундамоқда.

JAPAN
Official Development Assistance

Let's study in Japan!
Келинглар, Японияда ўқиймиз !

JAPANESE GRANT AID FOR HUMAN RESOURCE DEVELOPMENT SCHOLARSHIP (JDS) PROGRAM (2007-2008)

Japanese Grant Aid for Human Resource Development Scholarship (JDS) was established by the Government of Uzbekistan with the assistance of the Government of Japan for the Japanese fiscal year of 1999-2000.

The objective of the JDS Project is to provide Uzbekistan nationals with opportunities for obtaining Master's degree at Japanese universities in order to support human resource development policy of the Government of Uzbekistan, and eventually to extend and strengthen the bilateral relationship between Uzbekistan and Japan.

The JDS Program targets young government officers for public sector, researchers, business people and others who intend to play leadership role in the socio-economic development of Uzbekistan after obtaining Master's degree within the designated period of study.

Under this Program, 20 fellows will be selected to study at Japanese universities for Master levels for the year 2007-2008.

1. DEGREE TO BE OBTAINED, FIELDS OF STUDY

(1) **Degree:** Master's degree (2-2.5year courses)
(2) **Fields of Study and Accepting Universities:**
- Law : Nagoya University
- Public Administration : Kyushu University
- Economics : International University of Japan
- Business Administration : Waseda University
- Agriculture : Tokyo University of Agriculture and Technology
- Information and Communication Technology : Ritsumeikan University
- Education Administration : Hiroshima University
- Engineering : Toyohashi University of Technology

(3) **Language of Instruction:** English

2. QUALIFICATION REQUIREMENTS

(1) **Nationality:** Citizen of Uzbekistan
(2) **Age:** Between 22 and 34 years old (including) as of April 1st, 2007.
For the field of study "Engineering" and "Agriculture", between 22 and 39 years old (including) as of April 1st, 2007.
(3) **Work Experience (recorded in Workbook):**
For more than 2 years (as of September 19, 2006) after getting a Bachelor's degree. For the study field "Business Administration", for more than 3 years (as of September 19th, 2006) after getting a Bachelor's degree.
(4) **Academic Background**: Holder of a Bachelor's degree. And for the following universities, there are specific requirements:
(a) NagoyaUniversity in field of study "Law" : it is preferable to have basic knowledge of Laws and to hold a Bachelor's degree in Law.
(b) Kyushu University in field of study "Public Administration" : it is preferable to hold a Bachelor's degree in political sciences or equivalent of social sciences.
(c) Ritsumeikan University in field of study "Information and Communication Technology", it is preferable to have basic knowledge of ICT and to hold a Bachelor's degree in related field.
(5) **English proficiency level:** Minimum requirement must be either of following :
- IELTS score 6.0
- TOEFL PBT (Paper-based) score 530
- TOEFL CBT (Computer-based) score 197
- TOEFL iBT (Internet-based) score 71

* Applicant who submits a photocopy of the valid official certificate of the score higher than either of above minimum score, obtained after November 24th, 2005 will be exempted from English language examination during the selection stages.
(6) **Ineligibility:**
- Those who have already studied or are scheduled to study in a foreign country in order to obtain a degree of Bachelor or Master under any kind of scholarship program shall be ineligible for application.
- Military personnel registered on the active list or persons on alternative military service shall be ineligible for application.

(7) **Others:**
- Applicant must be in good mental and physical health.
- JDS fellow will be required to attend preparatory Japanese language training in Tashkent for about 2 months from April 2007 on full time basis prior to departure for Japan.
- The Government of Uzbekistan will ask the JDS fellow to sign and submit the "Statement of Obligations" (Contract) to follow the conditions deemed necessary as a scholarship fellow under the JDS project. If a fellow violates any article of his/her "Statement of Obligations" (Contract), the scholarship may be cancelled and other necessary steps will be taken. This "Statement of Obligations" (Contract) includes the article such as "Returned JDS fellow must remain in Uzbekistan and work at least for 2 years in the country."

3. APPLICATION PROCEDURES

- Applicant should submit the JDS Application Documents to JICE JDS Project Office.
- Application Form will be available at the places mentioned below.It will be available in Tashkent from September 19th, in other cities or provinces later on. Application Form can be downloaded from website http://www.jds.uz.

1. JICE JDS Project Office in Uzbekistan
- Mon. to Fri., 9:00 to 13:00 and 14:30 to 17:30
- 12A, U.Nasir St., Tashkent
2. Embassy of Japan in Uzbekistan
- Mon. to Fri., 9:00 to 13:00 and 14:30 to 18:00
- 1-28, SadykAzimov St., Tashkent
3. JICA Uzbekistan Office
- Mon. to Fri., 9:30 to 13:00 and 14:30 to 18:00
- 5th floor, International Business Center, 107-B, Amir Temur St., Tashkent
4. Uzbekistan-Japan Center for Human Development
- Mon. to Thurs., 10:00 to 13:00 and 14:30 to 17:30, Fri., 10:00 to 13:00 and 14:30 to 20:00
- 6th floor, International Business Center, 107-B, Amir Temur St., Tashkent
5. Ministry of Higher and Secondary Specialized Education
- Mon. to Fri., 15:00 to 17:00
- 54-55, Babur St., Tashkent
6. Major academic institutions in Tashkent
7. Chamber of Commerce and Industry – 14, Mavaraunnakhr Street, Tashkent
8. Karakalpakstan Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 112A A. Temur St., Nukus
9. Andijan Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 122 A. Navoii Shokh St., Andijan
10. Bukhara Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 1A MustakillikSt., Bukhara
11. Djizzakh Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 63 Sh.Rashidov Shokh St., Djizzakh
12. Kashkadarya Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 3 MustakillikSt., Karshi
13. Navoi Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 33 Meymorlar St., Navoi
14. Namangan Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 7 U. Nosir St., Namangan
15. Samarkand Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 148 M. UlugbekSt., Samamrkand
16. Surkhandarya Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 1 F. Khodjaev St., Termez
17. Sirdarya Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 35 MustakillikSt., Gulistan
18. Tashkent Region Office of the Chamber of Commerce and Industry – 68 Lisunova - 4, Tashkent
19. Fergana Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 58 M. Kosimov St., Fergana
20. Khorezm Regional Office of the Chamber of Commerce and Industry – 30 Al Khorazmiy St., Urgench
21. Ministry for Foreign Economic Relations, Investments and Trade (MFER) of the Republic of Karakalpakstan – 96 A, DustlikGuzari St., (Government House), Nukus
22. MFER of Andijan region - 126, A.Navoi St., Andijan
23. MFER of Bukhara region - 1, Muminov St., Bukhara
24. MFER of Djizakh region – 63, S.Rashidov St., Djizak
25. MFER of Kashkadarya region – 2, MustakillikSt., Karshi
26. MFER of Namangan region – 3, B.MashrabaSt., Namangan
27. MFER of Navoi region – 77, Khalklar Dustligi St., Navoi
28. MFER of Samarkand region – 1, KukSaroi Sq., (Regional Khakimiyat building) Samarkand
29. MFER of Surkhandarya region – 1st floor, Khodjaev st., 7a, Termez
30. MFER of Sirdarya region – 1, Alleya Geroyev St., Gulistan
31. MFER of Fergana region – 53, Al Fargoniy St., Fergana
32. MFER of Khorezm region - 1, Gafur Gulyam St., Urgench
33. Business Communications Center (BCC) in Tasheknt – 4th floor, 16A, Shahrisabz St.
34. BCC Khiva– 1, Jamoat Markazi St.
35. BCC Fergana– 57, Tolstoy St.
36. BCC Djizakh – 52a, Tashkent St.

4. APPLICATION DEADLINE: November 24th , 2006, 17:00

Applications missing above deadline shall not be accepted.
Applications must be submitted by hand, courier or post ONLY to JICE JDS Project Office in Tashkent.
1) Hand delivery, courier : 12A, U.Nasir St., Tashkent
2) Post : P.O. Box 345 (2, Amir Temur St., Tashkent, 700000, Uzbekistan (Central Post Office))

5. SELECTION PROCEDURES

1) **First Selection** (Documents screening):
2) **Second Selection** (English and Mathematics Examination):
3) **Third Selection** (Technical interview by Japanese professors and Medical check- up):
4) **Final Selection** (Comprehensive interview):

6. INQUIRY

JICE JDS Office in Uzbekistan
Address: 12A, U.Nasir St., Tashkent
Telephone: (371)139-15-60/67 (Monday to Friday 9:30 to 12:30, 15:00 to17:00)
E-mail : jice@jds.uz
Website : http://www.jds.uz

EXPLANATORY SEMINAR for those who wish to apply for JDS program (ALL FIELDS OF STUDY)

Date: 17th October 2006 (Tuesday)
Time: 18:00 - 20:00
Place: Seminar Room / Uzbekistan-Japan Center for Human Development (6th floor, International Business Center, 107-B, Amir Temur St., Tashkent)
Capacity: Maximum 80 people

- To participate in this Seminar, pre-registration by TELEPHONE is required. For further information and registration, please contact JICE JDS Project Office.

Ижодий муҳит яратаётганлар

Юртимизда ҳуррият эпкинлари эсган илк йилларда шўрчиликлар Наврўз айёмини нишонлаш тараддудига тушдилар. Байрам дастурини Раҳматулла Мўминов тайёрлади. Унинг рафиқаси Иқлимой боболарга, момоларга, болаларга ва келинчакларга миллий кийим-кечак тикди. Момолар сандиқларидан хапабанд, ўрта мунчоқ, летиба, беш оёқли сирға, маржонларини олдилар. Ҳожар опа саҳна учун ойнахалта, сўзана, қошиқлов, тузхалта тайёрлади. Келин салом, алла, тўй муборак, аскар кузатув ва бошқа оммавий маросим қўшиқларининг ноёб матнларига сайқал берилди. Қишлоқ кенгаши раиси Райҳон опа аёлларни йиғиб, чанқовузчилар дастасини тузди.

Ҳавасдан туғилган санъат

Узоқ йиллардан бери мажлислар ўтказиладиган зерикарли жойга айланган Шўрчидаги истироҳат боғига файз тўлди. Абдурашид бобо ўша куни чалган чибизиқ сеҳри кўчадан ўтаётган машиналарни тўхтатиб қўйди. Не бир ишлар билан шошиб кетаётган одамлар беихтиёр истироҳат боғи томон бурилдилар. Тебраниб чанқовуз чалаётган Жума Абрайқуловнинг маҳоратига қойил қолдилар. Бир пайт Бўри раиснинг, Абдуҳамид бобонинг қўлидаги дўмбиралар гумбурлай кетди. Уларга Райҳон опанинг қизлари (эллик, олтмиш ёшга кирган аёлларни Райҳон опа қизалоқларим деб эркалайди) ўз чанқовузлари билан жўр бўлди. Осмонларни тўлдириб «Чимма-чимма чиралай», «Қоши камалак Ойбарчин», «Дўппи кийган бобоси» деган қўшиқлар янгради.

Бу томошадан завқи келиб унча-мунчага тан бермайдиганлар ҳам беихтиёр ўтирган жойида тиззаларини шапатилаб юборди. Ана шундай завқ шашти билан Менгқобил бобо салласини бошига бостириб қўйди-да, саҳнага чиқиб кетганини, кўнглидаги термаларини қўшиқларга жўр этганини ўзиям билмай қолди.

Одамлар ота-боболари қуйлаб, айтиб ўтган оҳанглару қўшиқларни соғинган экан. Бу шоуда Шўрчининг Далварзин қишлоғида археологик изланишлар ўтказаётган япон тадқиқотчилари ҳам қатнашди. Менгқобил бобо машҳур профессор Кюдзе Катонинг елкасига тўн ташлади. Дўппи кийгизди. Улар дўст тутиндилар. Шу-шу, Като бобо дўпписини бошидан қўймайди. Шу-шу, Шўрчида янги фольклор-этнографик даста туғилди. Бу даста кўп ўтмай, «Булбулигўё» номи билан мамлакатимизга танилди.

Бу танилиш ўз-ўзидан содир бўлгани йўқ. Ўша айёмдан сўнг кўп ўтмай, Раҳматулла Мўминов туман маданият бўлими бошлиғи этиб тайинланди. Ҳайитгул момо унга халқ қўшиқларидан бир дастасини олиб келди. Ёшлар бўш вақтларида тўгарақда сабоқ ола бошладилар. Шогирдлар нуфузли кўрикларидан тортиб халқаро санъат фестиваллари саҳналаргача забт эта бошладилар. Бугун «Булбулигўё» унча-мунча саҳналарга сиғмайди. Гуруҳнинг жойларда, узоқ қишлоқларда 12 та тўгараги бор.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Ҳумо»нинг парвози

Қишлоқ спорти

Чим устида хоккей бўйича Наманган вилоят терма жамоасининг ўзагини учқўрғонлик ёшлар ташкил этади. Бу бежиз эмас. Спортнинг ушбу тури бўйича туманда ташкил этилган «Ҳумо» номли клуб, мана, ўн тўрт йилдирки, намунали фаолият кўрсатиб келаётир.

Баҳсларни маҳаллий ўйинлар билан бошлаган йигит-қизлар ана шу давр мобайнида вилоят, республика босқичини ортда қолдириб, халқаро мусобақаларда ҳам кучларини синовдан ўтказишди. Жумладан, Нилуфар Мирзажонова ва Шоҳиста Дадахонова Таиландда ўтказилган Осиё чемпионатида, Аҳмаджон Раҳмонов билан Наргиза Ўтбосарова Малайзияда, Илҳомжон Раҳмонов эса Ҳиндистонда бўлиб ўтган Осиё кубоги беллашувларида миллий терма жамоа шарафини ҳимоя қилдилар. Бугун клуб ҳисобидаги 16 та олтин, 48 та кумуш ва 32 та бронза медали маҳорат бобидаги юксалишдан нишона.

Чим устида хоккей бўйича республика биринчилиги мусобақалари бир муддат аввал Учқўрғонда ўтказилиб, катталар жамоалари куч синашган эди. Яқинда Бухородa ташкил этилган беллашувда эса 1990-1991 йилларда туғилган қизлар майдонга тушишди. Мамлакатнинг кучли саккизта жамоаси ғолиблик учун курашган бу баҳсда ҳам Наманган вилояти терма жамоаси — «Ҳумо» клуби тарбияланувчиларининг қўли баланд келиб, чемпионлик унвонини қўлга киритдилар.

— Спорт нафақат жисмоний, балки маънавий етуклик омили ҳамдир, — дейди учқўрғонлик ёшларнинг устози Шавкатжон Нишонов. — У кишини тарбиялайди, обрў-эътибор келтиради, чим устида тўп суриб, ҳурмат шоҳсупасига чиққан ва ўз келажагини яратган қизларимиз эса талайгина. Мана, моҳир ўйинчимиз Зилола Нишонова айнан спортдаги муваффақиятлари учун вилоятдаги педагогика университетига кириш имтиҳонисиз қабул қилинди.

Чемпионлар маҳалладан етишиб чиқади. Бунинг учун истеъдодларни аниқлаб, маҳоратлари сайқал топишига етарли шарт-шароит яратиб бериш кифоя. Учқўрғонда масаланинг айни шу жиҳатига жиддий эътибор қаратилаётгани боис қишлоқ спорти байроқдори «Ҳумо» парвозни тобора баланд олмоқда.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҲУРМАТЛИ ВА АЗИЗ ҲАМЮРТЛАР!
АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

"Buxoro Auksion Savdo" ixtisoslashtirilgan tashkiloti аукцион комиссияси иштирокида Ғиждувон тумани, С.Айний номли ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссияси билан ҳамкорликда объектнинг бошланғич баҳоси ошиб борувчи тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Савдолар 2006 йил 7 ноябрь куни соат 11.00 да Ғиждувон тумани ҳокимлиги биносида бўлиб ўтади.

Мазкур савдоларга Ғиждувон тумани, С.Айний номли ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссияси ҳисобидаги қуйидаги мулклар мулкий мажмуа сифатида очиқ аукцион савдоларига чиқарилади:

Ғиждувон тумани, С.Айний номли ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссияси ҳисобидаги Ғиждувон тумани, Армечан қишлоқ фуқаролар йиғини, Сеталон қишлоғи, 14-бригада ҳудудида жойлашган ошхона, нурихона, ҳожатхона, асфальт майдон ва толор ҳавозадан иборат дала шийпони, бино ва иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 6 500 000 (олти миллион беш юз минг) сўм.

Аукцион савдоларида иштирок этиб, мулкдор бўлиш истагидаги харидорлар аукцион ташкилотчиси — "Buxoro Auksion Savdo" ixtisoslashtirilgan tashkilotiга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт: кўрсатилган мулкларни сотиб олиш учун ариза; закалат пули тўғрисида келишув битимининг бир нусхаси; аукцион ташкилотчиси ҳисоб рақамига объект бошланғич баҳосининг 10% (фоиз) миқдоридаги гаров пуллари тўланганликлари тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси; харидорнинг ҳуқуқий ҳужжати: жисмоний шахслар учун — фуқаролик паспортининг нусхаси, юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат ва уставининг нотариал тасдиқланган нусхаси.

Эслатма: *аукцион савдоларида иштирок этиб, юқоридаги мулк бўйича ғолиб бўлган харидор қуйидаги шартларга риоя этиши шарт:*

1. *Савдо ўтган санадан бошлаб 5 кун муддат ичида сотиб олинган мулк бўйича сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаш.*
2. *Мулк учун тўловларни савдолар ўтказилгандан бошлаб 30 кун муддат ичида тўлиқ тўлаш.*
3. *Мулкни харид қилганидан сўнг унинг фаолият йўналишини сақлаб қолган ҳолда, талон-торож қилмаслик шартларига риоя қилиш.*
4. *Савдо ташкилотчиси ва қайта ташкил қилиш комиссияси томонидан қўйилган мажбуриятларни қабул қилиш ва уларга қатъий амал қилиш.*

Аризаларни қабул қилиш **очиқ аукцион** савдоси бошланишига 1 соат қолганда тўхтатилади.

Сотилмай қолган мулклар навбатдаги босқич бўйича 2006 йил 14, 21 ноябрь кунлари соат 11.00 да ташкил қилинадиган очиқ аукцион савдоларига мунтазам равишда чиқарилиб борилади.

Имкониятингизни қўлдан бой берманг, азизлар!

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Бухоро шаҳри, «Мустақиллик» кўчаси, 10-уй.
"Buxoro Auksion Savdo" ixtisoslashtirilgan tashkiloti. Телефон: 223-71-36.

3330/0/1895

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Давлат акциядорлик тижорат «АСАКА» банкининг мижозлари диққатига!

ASAKA BANK

Иш фаолиятини янада такомиллаштириш, мижозларга кўрсатилаётган барча хизмат турлари сифатини яхшилаш, шу билан бирга, банк ходимлари томонидан йўл қўйилаётган тўсқинликлар, қоғозбозлик ҳолатларининг олдини олиш ва сизларни қизиқтираётган бошқа саволлар бўйича банкнинг қуйидаги

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ»

рақамлари орқали мурожаат этишингизни сўраймиз.

МУРОЖААТ УЧУН БОШ ОФИСНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:
(371) 120-82-72, 120-81-62, 120-39-84, 120-86-97.

МУРОЖААТ УЧУН ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

1.	Тошкент шаҳар филиали:	(371) 120-83-00
2.	Автотранспорт филиали:	(371) 120-39-01
3.	Шайхонтоҳур филиали:	(371) 120-84-23
4.	Юнусобод филиали:	(371) 125-16-33
5.	Сирғали филиали:	(371) 57-87-55
6.	Тошкент вилоят филиали:	(371) 120-84-04
7.	Андижон вилоят филиали:	(3742) 24-56-98
8.	Асака филиали:	(3742) 33-35-05
9.	Фарҳод филиали:	(3742) 26-89-53
10.	Фарғона вилоят филиали:	(3732) 24-72-14
11.	Марғилон филиали:	(3732) 33-19-20
12.	Олтиариқ филиали:	(3734) 32-19-80
13.	Қўқон филиали:	(3735) 52-61-01
14.	Қашқадарё вилоят филиали:	(3752) 21-15-38
15.	Сурхондарё вилоят филиали:	(3762) 27-35-85
16.	Қорақалпоғистон филиали:	(3612) 23-72-45
17.	Хоразм вилоят филиали:	(3622) 26-96-03
18.	Бухоро вилоят филиали:	(3652) 23-11-15
19.	Бухоро шаҳар филиали:	(3652) 24-24-29
20.	Самарқанд вилоят филиали:	(3662) 31-19-43
21.	Афросиёб филиали:	(3662) 34-18-12
22.	Сирдарё вилоят филиали:	(3672) 25-28-61
23.	Наманган вилоят филиали:	(3692) 26-91-45
24.	Давлатобод филиали:	(3692) 32-23-15
25.	Навоий вилоят филиали:	(4362) 23-89-40
26.	Зарафшон филиали:	(4365) 73-18-82
27.	Жиззах вилоят филиали:	(3722) 26-34-90

Ўз хизмат вазифаларини бажармай, юқорида қайд этилган салбий вазиятларни юзага келтирган айбдор шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Ҳунармандлар ва атласчилар шаҳри — Марғилон ўзининг 2000 йиллик тантаналарига қизғин ҳозирлик кўряпти. Шу тантаналар доирасида ўтказилган ёшларнинг шоу-форуми Маъмуржон Узоқов номидаги истироҳат боғида ўтказилди.

ЁШЛАР ФОРУМИ

«Келажак ёшлар қўлида» шиори остида ўтган маданий-маърифий форумда иштирок этган ёш ўқувчилар, талабалар, ҳунармандлар севимли шаҳарларининг муборак тўйларига ҳар ким иқтидори, қобилияти доирасида совға ҳозирлашлари лозимлигини амалда кўрсатдилар.

Байрам тантанасида шаҳарлик ёш спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари, мактабгача тарбия муассасаларининг «Биз — истиқлол фарзандларимиз», I-иқтидорли болалар мактаби ўқувчиларининг «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» шиори остидаги мусиқий чиқишлари кўпчиликнинг эътиборини тортди. Увайсий номидаги ёш қаламкашлар тўгараги иштирокчиларининг мушоирасига эса деярли барча байрам қатнашчилари қўшилди. Шундан сўнг форум қатнашчилари I-сонли «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари ҳамда 5 нафар ногирон боланинг уйларига ташриф буюриб, улардан хабар олишди, эсдалик совғалари топширишди.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Российский линолеум

Производство ЩекиноАзот г. Тула, Стройпластмасс г. Ульяновск

тел. 134-48-11
факс 134-49-58

DELTA·BI EX
UZBEK EXHIBITION COMPANY

ЗАЩИТА И СПАСЕНИЕ · 2006

МЕЖДУНАРОДНАЯ ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКАЯ ВЫСТАВКА

ОФИЦИАЛЬНАЯ ПОДДЕРЖКА
Государственное предприятие "UZMAKHSUSIMPEX"

26-28 сентября 2006 года

Тел. (99897) 330-48-00.
Факс (99871) 144-16-87.
E-mail: delta@uzpak.uz

МЕСТО ПРОВЕДЕНИЯ: ТПК "НАВРУЗ"

- технические средства обеспечения безопасности,
- антитеррористическое оборудование,
- средства защиты информации,
- спасения при ЧС и пожарной охраны,
- обеспечения банковской и промышленной безопасности.

Бизнес-партнеры: infoCOM.UZ
ООО "NOVITA-EDMG"

2390Н/566

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Олий суд судьяси Робахон Маҳмудовага волидаи муҳтарамаси

Нусрад ая
АКРАМОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоевга акаси

Раҳмонжон
МЕЛИБОЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1157. 21086 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳамедали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Б. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 21.10 12345